Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

14 декабрь 1971 йил, сешанба ◆ № 288 (15.158). ◆ Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бундан сал кам икки ой муқаддам Ватанимиз пойтахти — Москвада студентларнинг Бутуниттифоқ слёти чақирилган эди. Слёт ёшларимизнинг катта форумига айланиб, «Ленинча ўқиймиз, ишлаймиз ва курашамиз» шиори остида ўтди.

Слётда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлаб, коммунистик қурилишда, янги беш йиллик вазифаларини муваффақиятли адо этишда, илм-фанни, маданиятни ривожлантиришда ёшлар олдида турган улкан вазифалар ҳақида гапирди.

Газетамизнинг ички саҳифалари — республикамиз ёшлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширишга қандай ҳисса қўшаётганлари ҳақида ҳикоя қилади.

ҚИШЛОВНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАМИЗ

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ НУРОТА РАЙОНИДАГИ ЛЕНИН НОМЛИ СОВХОЗНИНГ ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН ТАДБИРЛАРИ

Совхозимиз чорвадорлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун бошланган социалистик мусобақани авж олдириб, тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йили учун қабул қилинган мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар. Чўпонларимиз бу йил жуда яхши ишладилар. Улар ҳар юз бош совлиқдан 136 талан қўзи олдилар. Давлатга 28 минг донадан зиёд қоракўл тери топширилди. Жун, пилла, тухум топшириш йиллик планлари муддатидан илгари бажарилди, гўшт ва сут тайёрлаш планларини бажариш арафасида турибмиз.

Чорвачиликда энг маъсулиятли давр қишловдир. Биз бунга эрта баҳорданоқ тайёргарлик кўра бошладик. Мавсумда деярли 10 минг тонна дағал хашак, 306 тонна беда уни, 3 минг тоннадан кўпроқ силос, 377 тонна сенаж тайёрланди. Ундан ташқари ўтган йилги хашакдан 4000 тоннасини тежаб қолдик.

Бу йилги қишловда 62 минг бош қўй ва 1.700 бош қорамолни парваришлашимиз керак. Ҳар бош қўйга 200 килограммдан ва ҳар бош қорамолга 1.250 килограммдан хашак, 7 тоннадан силос ва бир тоннадан сенаж тўғри келади. Шундай қилиб, чорва моллар маҳсулдорлигини янада ошириш учун мустаҳкам озуқа базаси яратилди.

Чорва биноларига катта эътибор берямиз. 85 усти ёпиқ ва 85 усти очиқ бинолар ремонт қилинди. Уларда қўйлар сақланади. 17 сигирхона ҳам ремонтдан чиқарилди. Янгидан 10 та қўйхона қурилди.

Чорва молларни зооветеринария қоидаларига қаттиқ риоя қилган ҳолда сақлаймиз. Мутахассислар ҳар ўн кунда фермаларни кўздан кечириб турадилар, нисбатан ориқ чорва моллари алохида группаларга ажратилади ва кучайтирилган озуқа рационы билан боқилади. Шундай группадаги чорва моллларнинг ҳар бирига ҳар куни 300 граммдан концентрат, 300 граммдан беда уни, 400 граммдан майдаланган хашак, 10 граммдан туз қўшимча сдирилади.

Хашак чорва молларга фақат майдаланган ҳолда берилади, шу мақсада 10 та ИГК ва 5 та ДКУ агрегатидан фойдаланамиз. Фермаларга озуқа ташиш учун 10 автомашина ва 57 трактор тележкаси биркитилди.

Ҳар бўлимда чорва молларнинг тунги парваришига ёрдам кўрсатувчи штаблар ташкил қилинди. Мавжуд олтита штабга совхозларнинг раҳбарлари, мутахассислари, партия ташкилоти активлари бошчилик қилянти.

Совхозимизнинг 110 минг гектар яйлови бор. Бу яйловлар навбатлаб фойдаланиш учун участкаларга бўлиб чиқилди. Яйловлар 85 отарга тенг тақсимлаб берилди. Ўтган беш йилликда чорвадорларимиз 6 минг гектар яйловнинг мелиоратив ҳолатини яхшиладилар. Бу майдонларга саксаул ўтказилди ва изень уруғи сепилди. Бу йил кузда яна 1.500 гектар майдонда шундай тадбир амалга оширилди.

Хўжалигимиз отарларида 255 чўпон ишлаянти, қорамолчилик фермаларида 30 молбоқар ва 20 сигир соғувчи хизмат қиляпти. Уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун ҳамма шароитлар яратиб берилган. Қишлов даврида маиший, маданий ва медицина хизмати кўрсатишни яхшилашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқдик. Чорвадорларга 14 магазин, битта автолавка ва 8 фельдшерлик пункти хизмат кўрсатади.

Хўжалигимизда илгор чорвадорлар кўп. Тўртинчи ферма коллективи айниқса яхши ишлаянти. Фермада 16.200 бош қоракўл қўй бор. Ҳар юз бош совлиқ ҳисобига 142 талан қўзи олинган. Бўлимга ёш коммунист, олий маълумотли мутахассис А. Каримов моҳирлик билан бошчилик қиляпти.

Иккинчи бўлим бош чўпони Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXIV съезди делегати Абдуназар Умаров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси тўртинчи ферма бош чўпони Чўли Хўжақулов илгор чорвадорлар отрядига моҳирона етакчилик қиляпти. Улар ҳар юз бош совлиқдан 150-180 талан қўзи олиб, 1971 хўжалик йилини жуда яхши якунламоқдалар.

Совхоз партия комитети ва ишчилар комитети илгор тажрибаларни ўрганиш ва кенг оммалаштиришни ташкил қилди. Партия ва касаба союз ташкилотлари яна бир катор тадбирлар белгилаб ҳаётга татбиқ этяпти. Хашак тайёрлаш, қишловга тайёргарлик кўришда бошқаларга нисбатан яхши кўрсаткичга эришган фермаларга бериш учун кўчма Қизил байроқ ва вимпеллар таъсис этди. Илғорларни рағбатлантириш учун зарур миқдорда маблағ ажратилди. Қишлов кунларида фермалар ва отарларда 172 агитатор, 16 сиёсий ҳаборотчи, «Билим» жамиятининг 15 активи қизғин иш олиб боради.

Ҳар бир чўпон, сигир соғувчи, молбоқар қишловни яхши ўтказиш ва беш йиллик иккинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун ўзларининг шахсий планига эга.

Лўнда қилиб айтганда, совхозимизда чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, беш йиллик топшириқларини бажариш учун ҳамма имкониятлар бор. Чорвадорларимиз бу имкониятлардан самарали фойдаланадилар, чорвачиликни янада тараққий эттириш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар этадилар.

О. ХЎЖАҚУЛОВ — совхоз директори. **Х. ҚОЗОҚОВ** — партия комитети секретари. **Д. БОЙМУРОДОВ** — ишчилар комитети раиси. **Б. ҲИКМАТОВ** — комсомол ташкилоти секретари.

«Ёшлар союзининг аъзоси бўлиш—ўз ишини ва ўз кучини умум иши учун сарф қилиш демакдир. Коммунистик тарбия мана шундан иборат. Ёш йигит ёки қиз фақат мана шундай ишдагина чинакам коммунист бўла олади».

Ю. Цубанов / Ленин /



В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети студент-ёшлари ҳам жамоат ишларида фаол қатнашиб келаётирлар. Суратда: университет талабаларидан (чапдан) Т. Искандаров, С. Жумақулова, Л. Абрамович ва А. Мели боевлар.

В. Сиротнин фотоси.

САМИМИЙ ВАЗИЯТДА

ВАРШАВА, 12 декабрь. (ТАСС). Польша Бирлашган ишчи партияси VI съезди ўз ишини тамомлаши муносабати билан Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Герек, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари ва Сиёсий бюро аъзолигига кандидатлар, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг секретарлари, Марказий Комитет аъзолари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС делегацияси, Польша Бирлашган ишчи партияси съезди ишларида қатнашган коммунистик ва ишчи партияларининг делегациялари ҳозир бўлдилар.

Гулдурос қарсаклар билан кутиб олинган Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Герек қабул маросими қатнашчиларини табриклаб нутқ сўзлади.

Ўртоқ Э. ГЕРЕК нутқи

Ҳурматли ўртоқлар, азиз дўстлар!

Партиямизнинг янгидан сайланган Марказий Комитети номидан Сизларга Польша Бирлашган ишчи партиясининг VI съездида иштирок қилганлигингиз учун, съезднинг ишига қўшган ҳиссангиз учун чин кўнгилдан ташаккур айтишни истайман. Бутун партиямиз, поляк ишчилар синфи, поляк халқи съездидаги иштирокингизга ва Польшада бўлишингизга юксак баҳо берадилар. Биз Коммунистик бирдамлигингиз учун, қардошларча дўстлик туйғуларини изҳор қилганлигингиз учун сизлардан миннатдормиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Польшада социалистик қурилиш ютуқларини ардоқлаб айтган гаплари бизни, айниқса қувонтиради. Бизнинг партиямиз ва бутун поляк халқи Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига ва унинг раҳбарлигига энг яхши туйғуларини, Советлар мамлакати халқларига нисбатан самимий ва бузилмас дўстлик туйғуларини изҳор қиладилар.

Азиз ўртоқлар, табрик ва истакларингиз учун Сизларга сидқидилдан ташаккур билдирамиз. Сиз, азиз дўстларимизга ва синфий курашдаги қардошларимизга нисбатан дўстлик ва муҳаббат туйғуларини бир неча сўз билан баён қилиш қийин. Биз Сизларга ташаккур изҳор қиламиз.

VI съезд партиямизнинг интернационалистик позициясини янада зўр куч билан таъкидлади. Биз, коммунистлар, партиямизнинг съезди халқаро коммунистик ҳаракат қудратини ва унинг ғоявий бирлигини яна бир марта намойиш қилганлигидан беҳад хурсандмиз.

Азиз ўртоқлар, партиямизнинг ва халқимизнинг ҳаётидаги энг муҳим воқеалардан бирининг шоҳиди ва иштирокчиси бўлдингиз, деб айтсам муболаға қилмаган бўламан. VI съезд Польша учун социал-иқтисодий тараққиётнинг жуда қийин, лекин жуда зарур программасини белгилаб берди. Биз бу съездда партиямиз фаолиятининг йўналишларини белгилаб олдик. Бу йўналишлар Польшада социализмни мустаҳкамлаш ишига, социалистик ҳамдўстлик ни ривожлантиришга, бутун ҳаракатимиз курашига қўшаётган ҳиссамизни кўпайтиришга мумкин қадар яхшироқ хизмат қилмоғи керак.

Партиямиз поляк халқини 27 йилдан буён бошлаб бораётганйўл социализм билан чамбарчас боғланган. Халқ Польшасининг барча буюк муваффақиятлари социализм ғалабаларидан таркиб топди. Бизнинг халқимиз ўз истиқболини, ўзининг ҳамма планлари, орзу-тилаклари ва умидларини социализм билан боғлайди. Марксизм-ленинизмга содиқ бўлган партиямиз Польшада социалистик тузумимизни янада ривожлантириш учун, мамлакатимизнинг қардош социалистик мамлакатлар билан, социализм йўлида, халқлар озодлиги йўлида ва бутун жаҳонда тинчлик йўлида курашувчи кучлар билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш учун куч ва ғайратини аямайди.

Мен, азиз ўртоқлар ва дўстлар, Сизларни яна бир марта ишонтириб айтишни истайманки, Польша Бирлашган ишчи партияси бундан буён ҳам пролетар интернационализми замминда қатъий иш олиб боради, биз Сизлар билан биргаликда коммунистик ҳаракатнинг буюк тарихий вазифасини бажариш учун қўлимиздан келган ҳамма чораларни кўрамиз.

Яшасин марксизм-ленинизмнинг буюк енгилмас ғоялари билан жиҳозланган партияларимизнинг бирлиги!

Социализм яшайверсин ва ғалаба қозонаверсин!

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоғим[illegible]к!

Азиз дўстлар! [illegible]лар!

Польша Бирлаш[illegible] ишчи партиясининг VI съез[illegible] ўз ишини муваффақиятли та[illegible]лагаплиги билан меҳмондўст м[illegible]ларимизни, поляк қардошлари[illegible]ни қардош партиялар делегациялари номидан самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Съезд халқ Польшасининг социализм қурилишидаги муваффақиятлари ва имкониятлари нақадар буюк эканлигини яққол кўрсатди. Докладларда ва делегатларнинг нутқларида экономика, фан, маданиятни юксалтириш ва такомиллаштириш тўғрисида, партиянинг раҳбарлик роли ва халқаро майдондаги обрўсини мустаҳкамлаш тўғрисида чинакам зўр ғамхўрлик қилаётганлиги сезилиб турибди. Бундай ғамхўрлик социалистик жамият коммунистлари, гражданларига хос хусусиятдир.

Олтинчи съезд Польшада социализм қурилиши уфқларини кенгайтирди, социалистик жамиятни ривожлантиришнинг кенг программасини белгилади.

Партиянинг бирлиги, унинг енгилмас марксча-ленинча ғоявий позициялари, халқнинг Польша Бирлашган ишчи партияси сиёсатини астойдил қўллаб-қувватлаётганлиги — ана шу улкан вазифани муваффақиятли ҳал этиш гаровидир.

Кекса авлодларнинг революцион чиниққанлиги ва ҳаёт тажрибаси ёшларнинг ғайрат ва шижоати билан бирга қўшиб олиб борилганида, бу — партиянгизнинг социализмни янада ривожлантириш учун олиб бораётган курашида жуда қимматли капиталдир.

Азиз ўртоқлар! Польша Бирлашган ишчи партияси олтинчи съезди Польша Халқ Республикасининг тинчлик учун, Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун курашдаги актив ташқи сиёсати, унинг империализмга қарши умумий курашга қўшаётган катта ҳиссаси халқаро миқёсда муҳим аҳамиятга эга эканлигини яна бир марта яққол намойиш қилди.

Польша Бирлашган ишчи партияси марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми позицияларида коммунистик ҳаракат жипслигини мустаҳкамлаш учун, социалистик мамлакатларнинг ва замонамиздаги барча антиимпериалистик кучларнинг ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш учун кўп иш қилаётганлиги ҳаммага маълум.

Польша коммунистларининг, бутун поляк халқининг партия VI съезди қарорларини бажаришда катта муваффақиятларга эришувларини тилаймиз.

Азиз дўстлар, ўртоқ Эдвард Герекни ва Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг сайланган ҳамма аъзолари ва сиёсий бюро аъзолигига кандидатларни, Марказий Комитет секретарларини, Марказий Комитет аъзоларини қардош партиялар делегацияларининг самимий муборакбод қилиш ва уларга сиҳат-саломатлик ҳамда катта ижодий муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Бирлигимиз учун, ўртоқлар!

Сиҳат-саломатлигингиз учун, азиз дўстлар!

Э. Герек ва Л. И. Брежнев ўртоқларнинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва гулдурос қарсаклар билан бўлиниб турди.

Қабул маросими қардошларча, самимий вазиятда ўтди.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси 12 декабрда Варшавадан Москвага қайтиб келди. Делегация Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан ПБИП VI съезди ишларида қатнашди.

Белоруссия вокзалида делегацияни Г. И. Воронов, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари М. А. Лесечко, В. Н. Новиков, И. Т. Новиков, Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари СССР Министрлари Б. П. Бешчев, А. А. Громико, А. А. Гречко, Н. С. Патоличев, Н. А. Шчелоков, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари В. Ф. Промислов, Г. Э. Цуканов, К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат С. К. Цвигун, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари Л. М. Замятин ва О. Б. Рахманин ва КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари кутиб олдилар.

Делегацияни, шунингдек ПХРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Б. Рихловский кутиб олди. (ТАСС).

ХАСКОВОЛИК ДЎСТЛАР ТОШКЕНТДА

13 декабрда тошкентликлар хасковоликлар делегациясини хушнудлик билан кутиб олдилар. Болгария Компартияси Хасково округи комитетининг биринчи секретари Г. Корцанов делегацияга бошчилик қилмоқда.

Делегация бир ҳафта давомида Тошкент области партия ташкилотларининг фаолияти билан танишади, бир қанча саноат корхоналари ва колхозлари бориб кўради.

Делегация келган куни Тошкент область партия комитетида қабул қилинди. Область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусаҳоков билан Г. Корцанов дўстона суҳбат вақтида Тошкент областининг меҳнатчилари КПСС XXIV съезди қарорларини, хасковоликлар эса Болгария Компартияси X съезди қарорларини бажариш учун қандай курашаётганликлари тўғрисида гапириб бердилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Саккизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси шу йил 16 декабрда эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари 15 декабрда эрталаб соат 9 дан 14 гача ва соат 17 дан 20 гача Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида рўйхатга олинади.

ПОЛЬША БИРЛАШГАН ИШЧИ ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ВАРШАВА, 11 декабрь. (ТАСС). ПАП агентлигининг хабар беришича бугун Польша Бирлашган ишчи партияси VI съездида сайланган ПБИП Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари қилиб ўртоқ Э. Герек сайланди.

ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига: Э. Герек, Э. Бабюх, Г. Яблоньский, М. Ягельский, П. Ярошевич, В. Ярузельский, В. Кручек, С. Ольшовский, Ф. Шляхчиц, Я. Шидляк, Ю. Тейхма сайландилар.

ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар қилиб К. Барциковский, З. Грудзень, С. Каня, Ю. Кемпа сайландилар.

Э. Герек, Э. Бабюх, К. Барциковский, С. Каня, С. Ковальчик, Е. Л. Лукашевич, Ф. Шляхчиц, Я. Шидляк, Ю. Тейхма ПБИП Марказий Комитети секретарлари қилиб сайландилар. Марказий Комитет секретариати аъзолигига Р. Фрелек ва А. Верблян сайландилар.

ПБИП Марказий партия контроли комиссияси раислигига С. Мисяшек, ПБИП Марказий ревизия комиссиясининг раислигига А. Лашевич сайландилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ШАРАФИГА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

ПХЕНЬЯН, 13 декабрь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилигида дўстона ғизиг билан КХДРда меҳмон бўлиб турган СССР Олий Совети делегациясининг шарафига совет элчихонасида қабул маросими бўлиб ўтди.

Совет парламент делегациясининг бошлиғи қабул маросимида сўзга чиқиб, делегацияни шодиёна қабул қилганликлари ва дўстона эътибор учун корейс дўстларга самимий ташаккур изҳор қилди.

Биз Корея Халқ Демократик Республикасида бўлиб, корейс халқининг бутун корейс миллати адолатли иши учун. Америка империалистлари мамлакатни мажбуран ажратиб қўйганлигини тугатиш учун ва уни тинч демократик асосда бирлаштириш учун муайян мақсадни кўзлаб ва қатъият билан курашаётганлигини яққол кўриб, ишонч ҳосил қилдик, деди Ш. Р. Рашидов. Совет кишилари шу курашда қардош корейс халқини ҳамиша қўллаб-қувватлади ва бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлайверади деб ишонтиришга рухсат бергайсиз.

Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий комитети аъзолигига кандидат Ян Хен Соб ўзининг жавоб нутқида корейс халқи марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига асосида қарор топган ва умумий улуғ ишимиз учун курашда ривожланаётган совет халқи билан традицион дўстлик ва жипслиқни қадрлайди, деб айтди. Корея билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларининг доимо мустаҳкамланиб ва ривожланиб бориши ҳар иккала мамлакатимиз халқларининг манфаатларига мувофиқ бўлибгина қолмай, шунингдек социалистик мамлакатларни ва халқаро коммунистик ҳаракатни жипслаштириш манфаатларига тамомила мувофиқдир.

Совет делегациясининг КХДРга қилган визити, деди Ян Хен Соб, мамлакатларимиз халқларининг ўртасида ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, дўстлик, жипслиқ ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ КХДРдан ҚАЙТИБ КЕЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги СССР Олий Советининг делегацияси 13 декабрда Пхеньяндан Москвага қайтиб келди. Делегация олий халқ мажлисининг таклифига биноан КХДРда бўлган эди.

Внуково аэродромида делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Д. Ф. Устинов, СССР Олий Совети палаталарининг раислари А. П. Шитиков ва Ё. С. Насриддинова, СССР Олий Советининг депутати, Совет — Корея дўстлиги жамияти марказий правлениесининг раиси Н. Н. Тарасов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида КХДРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Ли Чен Рим бор эди. (ТАСС).

ДЕҲҚОН БЎЛСАНГ, ШУДГОР ҚИЛ!

Республика областларида кузги шудгорлашнинг бориши тўғрисида 1971 йил 13 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — ҳайдалган майдон (гектар ҳисобида); учинчи устун — планнинг бажарилиш процента.

СИРДАРЁ	268686	108,6
НАМАНГАН	143301	108,4
ФАРҒОНА	122387	104,7
ТОШКЕНТ	222218	102,9
АНДИЖОН	190276	102,9
Самарқанд	245787	96,6
Бухоро	169293	95,2
Хоразм	13629	90,9
Қашқадарё	100568	75,9
ҚҚ АССР	26967	73,1
Сурхондарё	87524	66,4
Республика бўйича:	1590636	96,6

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти 40 йиллик фаолияти давомида 15 мингдан зиёд юқори малакали мутахассислар тайёрлаб берди. Ҳозир бу ерда 35 мил. лат вачиллари аҳил бир оила бўлиб ўқиган. Суратда: V курс студентларидан Х. Исмоилхўжаев, Н. Котова, Х. Гиноятов, Г. Лиуконен ва М. Дадажоновалар темир йўл эксплуатацияси кабинетида амалий машғулот ўтказишмоқда.

ЛЕНИНЧА ЎҚИЙМИЗ,

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

КОМАНДИР

«Ленин комсомоли ишига ҳамиша содиқ бўламан, ВЛКСМ аъзоси деган муқаддас номга гард юқтирмайман, ўқишда ва меҳнатда доимо шахсий намуна кўрсатаман».

Музаффар Отаев комсомолга кираётиб ана шундай ваъда берган эди. У сўзининг устидан чиқди. Аъло ўқиши, ибратли хулқи, тиришқоқ ҳамда меҳнатсеварлиги билан кўпчиликнинг оғзига тушди. Қадр-қиммат топди. Бугун унинг номини Бухоро Давлат педагогика институтида ҳурмат билан тилга оладилар. Тенгдошлари фахрланиб «командиримиз» дейишади.

... Ёзнинг жазирама кунлари. Имтиҳон охирлаб қолган. Институтимиз комсомол-ёшлари КПСС XXIV съезди Директиваларида таъкидланган Аму—Бухоро машина каналининг иккинчи навбати қурилишида қатнашиш истагини билдирдилар.

Энг аввало, ўзбек тили ва адабиёти факультетининг тўртинчи курс студенти Музаффар Отаев қурилишга бориш ташаббусини бошлаб берди. Сўнгра Омон Аминов, Умид Темиров, Ботир Турабовлар бу ватанпарварлик ҳаракатига қўшилдилар. Шундай қилиб, 300 дан ортиқ ташаббускор йигит-қизга комсомол йўлланмаси ёзилди...

Олот посёлкасидан бир неча километр нарида Аму — Бухоро машина каналининг юраги «Ҳамза-2» насос станцияси қад кўтаряпти. Қурилишга яқинлашар экансиз, қалбингиз беихтиёр тўлқинланади. Кўтарма кранлар, электр пайвандлаш аппаратлари, автомашиналар овози бир-бирига ҳамоҳанг бўлиб кетади. Қудратли машина механизмларини бинокорлар моҳирлик билан бошқармоқдалар.

«Аму — Бухараканалстрой» бошқармаси биринчи механизациялашган кўчма колоннасининг бош инженери Қаршибой Нормуродов ёшларимизга қурувчиларни бирма-бир таништириб чиқди. Меҳнат Қизил Байроқ орденли экскаваторчи Ф. Жабборов бошлиқ бригада насос станциясига котлован қазияпти. Нарироқда бетончилар бригадаси меҳнат қиляпти. Урта бўй, корачадан келган бизнинг Файзулла ҳам бирзумда ишга киришиб кетди:

— Насос станциясининг баландлиги салкам 30 метр бўлади, — деди Музаффар Отаев, — «Уралгидромаш» заводи ишчилари юборган қудратли насослар шу ерга ўрнатилади. Бу насос сувни Бухоро ерларига оқизади. Студентларимиз тўғонга 40 минг куб метр бетон ётқиздилар. 10 минг куб метрдан ортиқроқ темир-бетон ишлари бажарилди. 2 миллион куб метр тупроқ ишлари уддаланди. Қурилишда Саъдулла Агаев, Аҳмад Асадов, Зариф Бозоров, Зиёд Раҳмонов, Умид Темировга ўхшаш юзларча ишлар тажрибали экскаваторчи, бульдозерчилар билан ёнма-ён туриб меҳнат қиляптилар.

Музаффар Отаевнинг ўзи бульдозерчи Александр Герасимов билан бирга бир неча минг куб метр тупроқ ишларини бажарди ва айни вақтда ёшларнинг ҳаммасини ишига бош-қош бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев студентларнинг Бутуниттифоқ слётида таъкидлаганидек: «Биз Ленининг бошқа бир даъватини: «таълим жараёни коммунистик тарбия жараёни билан ҳамоҳанг олиб борилсин» деган даъватини ҳам унутолмаймиз. Унутишга ҳаққимиз йўқ. Бу икки жараён амалда, албатта, яхлит бўлиб бирлашмоғи керак».

Аму — Бухоро машина каналининг иккинчи навбати муддатидан бир йил илгари фойдаланишга берилади. Бу ишда студент-қурувчилар отряди коллективнинг ҳам муносиб ҳиссаси бўлади. Канал Амударё сувини салкам 60 метр баландга кўтариб беради ва областда 15 минг гектар янги ерларни ўзлаштириш, 73 минг гектар майдонда суғориш ишларини яхшилашга ёрдам беради.

Ф. УМУРОВ,
Бухоро Давлат педагогика институти комсомол комитетининг секретари.

ИЖОДКОРЛИК ФАСЛИ

Совет кишиларининг бутун диққат-эътибори ҳозир КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга оширишга қаратилган. Ижодкор ва меҳнатсевар халқимиз билан биргаликда олий мактаб профессор-ўқитувчилари ва студент-ёшлари ҳам съезд белгилаб берган СССР халқ хўжалигини ривожлантириш, халқнинг моддий фаровонлигини янада ошириш ва маданий савиясини кўтариш вазифаларини бажаришга киришганлар.

Илмий-техника тараққиётининг катта суръатлар билан юксалиши — олий мактаб фаолияти билан, халқ хўжалигининг барча соҳалари, фан ва маданият учун олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш даражаси билан боғликдир. Бу ишларнинг йўналиши съезд Директиваларида, қарорларида кўрсатиб ўтилганидек, илмий-техника тараққиёти талабларига мувофиқ равишда олий ва ўрта махсус таълимни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва бўлажак мутахассислар ўртасидаги ғоявий-сиёсий тарбиявий ишларни яхшилаш вазифаларига бўйсундирилган.

Республикамиз олий ўқув юртларида фаннинг тутган ўрни салмоқлидир. Кейинги йилларда олий ўқув юртларимиз студентлар илмий ишларини ташкил этиш соҳасида анчагина тажриба тўпладилар. Республикамизнинг аксари шаҳарларида студентлар илмий ишлари бўйича Советлар ишлаб турибди. Студентларимизнинг илмий-тадқиқот ишлари тематикаси ҳам ранг-баранг бўлиб бораяпти.

Шу йил апрель ойида Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё ва Қозоғистон олий ўқув юртлари студентларининг илмий конференцияси бўлиб ўтди. Ижодкор ёшларимизнинг бу анжуманида 300 дан зиёд илмий докладлар тингланди. Энг яхши ишлар Фахрий ёрлиқ ва дипломлар билан тақдирланди. Айрим докладлар чет тилларда ўқилди. Студентларимиз Иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларида ўтаётган илмий анжуманларда ҳам фаол қатнашмоқдалар. Ўтган йиллар ичида 85 та студентлар илмий иши нашр этилди, беш минг талаба қатнашган 23 та конференция бўлиб ўтди. Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига 27 та студентлар экспонати юборилди. Шаҳар конкурсига 700 та иш тавсия этилди, улардан 380 таси диплом билан тақдирланди. Бутуниттифоқ конкурсига 114 та студентлар иши юборилди, шундан 16 таси Фахрий ёрлиқ ва дипломлар билан мукофотланди.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университетида тўқсонга яқин студентлар тўгараги ишлаб турибди. Уларда уч мингдан ортиқ илм толиблари ижодий иш билан шуғулланишяпти.

Тошкент политехника институтида эса самолётсозлик бўйича студентлар конструкторлик бюроси ишлаб турибди. Бу ерда илмий-тадқиқот ишларига кечки студентлар ҳам кенг жалб этилган. Институт учун энг характерли хусусият—студентлар илмий жамияти қатнашчиларининг сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётганлигидир. Тошкент халқ хўжалиги институтида студентларнинг 170 иши институт илмий-тадқиқот ишлари планига киритилгани қувонарли ҳолдир.

Аммо ҳали олий ўқув юртларимиз ишида ҳал бўлмаган масалалар ҳам бор. Олий мактабларимизда студентлар илмий-тадқиқот ишларининг турли формаларидан ҳам фойдаланилмоқда Ваҳолонки, бизнинг зиммамизга бу ишни оммавий тус олдириш, студентларнинг аксарият қисмини илмий ишга тортишдек масъулиятли вазифа юкланган. Бунинг учун олий ўқув юртларида бу ишнинг турли формаларини топиш ва улардан ўз ўрнида фойдаланиш талаб этилади. Шунга эришмоқ керакки, ҳар бир студент олий мактабда ўқиш давомида мустақил ижодий иш тажрибасига эга бўлсин. Илмий-тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, фабрика, завод, колхоз ва совхоз, корхоналарга юришлар уюштириш, студентлар мунозарасини ўтказиш, студентлар илмий ишларини нашр қилиш, кенг аҳоли ўртасида талабаларнинг докладлар билан чиқиши ва бошқа иш формаларидан атрофлича фойдаланиш керак.

Баъзан шундай ҳам бўладики, студент олий ўқув юртини яхши тамомлайди. Дипломидаги баҳолари ҳам зўр. Лекин мустақил ишга қадам қўйиши билан кўп нарсаларда қийнала бошлайди. Шу сабабли студентларни ижтимоий ишларга кенг жалб этиш йўли билан уларда келажакда одамлар билан ишлай билиш кўникмаларини ҳам тўғириб бориш лозим.

Ўртоқ Л. И. Брежнев студентларнинг Бутуниттифоқ слётида сўзлаган нутқида: «Қандай ўқиш, нимани ўқиш керак, ўз касбингга таллаққи маълумотлар океанидан нималарни танлаб олиб, ўзлаштириш керак? — буларнинг ҳаммаси шунчаки дабдабали саволлар эмас», деб уқтириб ўтди.

Партия ва ҳукуматимиз олий мактабни янада ривожлантириш, совет студентларининг моддий ва маиший шароитларини тамомлаш яхшилаш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалаётир. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг яқинда қабул қилган «Олий мактаблар студентларининг ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларининг моддий ва уй-жой маиший шароитларини янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори оталарча меҳрибонликнинг яна бир ёрқин намунасидир.

Билим олиш иштиёқи билан яшайдиган ижодкор, ташаббускор, бунёдкор студент-ёшларимиз бу ғамхўрликка жавобан яхши ўқишлари, жамоат ишларида фаол қатнашишлари, совет студентти деган фахрли ва шарафли номга муносиб бўлишлари, халқ хўжалигининг малакали мутахассислари бўлиб етишишлари керак.

Яқинда матбуотда ватанпарвар ёшларимиздан ака-ука Шодиевларнинг республиканинг барча йигит ва қизларига, студентларига, айниқса техника олий ўқув юртларининг ва техникумларининг талабаларига, саноат корхоналари, қурилишлар, муассасаларнинг барча меҳнаткашларига мурожаати эълон қилинган эди. Ака-ука Шодиевлар ўз тенгқурларини, бу чанг — механизаторларнинг комсомол-ёшлар зарбдор отрядларини тузишга даъват этдилар. Уларнинг бу қиймматли ташаббуси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан қизғин маъқулланди. Шу билан бирга Тошкент шаҳридаги ҳамда республиканинг бошқа шаҳарларидаги олий ўқув юртлари, техникумлар ва қунар-техника билим юртлари қўзурида пахта териш техникасини ўрганадиган курслар ташкил этиш таклиф этилди. Жойларда бу актуал масалани муваффакиятли ҳал этишда олий мактабларимизнинг профессор-ўқитувчилари ўз ёрдамларини аямасликлари керак.

Ленинча ўқиш, ишлаш ва яшашда ибрат кўрсатаётган ватанпарвар талабаларимиз севимли она-Ватанимиз, меҳнатсевар халқимиз барча зафарларимизнинг илҳомчиси жонажон Коммунистик партиямиз ишончини албатта оқлайдилар.

Ғ. АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри.

УСТОЗЛАР ЎГИТИ

... Эсингизда бўлсин, фан одамдан унинг бутун ҳаётини талаб қилади. Агар сизда иккита ҳаёт бўлса ҳам, улар сизга етишмас эди. Фан одамдан зўр ғайрат ва буюк эҳтирос талаб қилади. Ўз ишингиз ва ўз изланишларингизда эҳтиросли бўлинг.

И. П. ПАВЛОВ,
академик.
(«Ёшларга мактуб»дан).

* * *

Бахт тушунчаси бахтли ҳаёт тушунчасидан юқорироқ туради— мен бу гапни ёшларга айтаётирман. Мен ўз фаолиятини чодирдардан, ер қаърига ҳужум қилишдан, тонгдан туриб мўл ҳосил етиштиришдан бошлайдиганлар тарафидаман, юксак илмий даража ҳақида ўйлайдиганлар томонида эмас (бундай илмий даража ўз-ўзидан келади), ҳақиқатни чуқур билишга интилувчилар томонидаман... Бахтни совға қилиб бўлмайди, у қўлга киритилади...

Мен кўпинча ёшлар билан суҳбатимни бундай тугаллайман: чинакам инсоний бахт ленинча ғояларни амалга ошириш билан йўғрилган ҳаётдир, ана шу чинакам инсоний бахтдир.

Т. ҚОРИНИЕВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

* * *

Ёшларда эҳтирос, ғайрат битмас-туганмас. Тажрибали олим янги илмий назарияларни ишлаб чиқиш билан бир қаторда ана шундай эҳтиросли ёшлардан муносиб ўринбосарлар ҳам тайёрлаши керак. Ўз шогирдларидан ҳеч нарсани аямайдиган олимгина бу ишнинг уддасидан чиқа олади.

И. МУМИНОВ,
Узбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

* * *

Шогирд устоздан бир тош юқори туриши керак. Бу мақолнинг маъноси шуки шогирд устоздан бир авлод кейин яшайди. Бу орада ҳаётнинг тараққий қилиши, илмнинг ўсиши туфайли шогирднинг маълумоти бир погона юқори, янги ва устунрок бўлиши керак. Устознинг вазифаси шогирдни шу даражага кўтаришдир.

Е. ТУРАҚУЛОВ,
Ленин мукофоти лауреати, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

ЎҚИШ, ЎҚИШ ВА ЯНА ЎҚИШ...

Республикамизда бўлғуси инженер кадрларни тарбиялаб етиштиришда Тошкент политехника институти коллективи катта тажриба тўплади.

Қуйида институт парткоми секретари ИВАН АЛЕКСЕЕВИЧ ЛИВЕРКО истиқбол эгалари — студент-ёшлар ўртасида олиб борилаётган тарбиявий ишлар ҳақида ҳикоя қилади:

— Олий мактабимиз партия ташкилоти ўзининг кундалик ишида партия XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларига амал қилган ҳолда ёшлар тарбиясига катта эътибор бериб келяпти. Шу кеча-кундузда институтимизнинг фақат кундузги бўлимида 16 минг студент таҳсил кўрмоқда. Ўқув даргоҳимиз комсомоллари — бу катта куч. Институт ҳаётининг бирор соҳаси йўқки, у ерда студент-ёшларимиз фаол қатнашмаётган бўлишса.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг студентларнинг Бутуниттифоқ слётида сўзлаган нутқи олий ўқув юртлари студент-ёшлари фаолиятининг жанговар программаси бўлиб хизмат қилади. Ҳозир слёт материаллари институтимиз партия ва комсомол ташкилотлари диққат марказида. Студентларимиз слёт ҳужжатларини пухта ўрганиш билан бир қаторда, ўз зиммаларига юклатилган масъулиятли вазифаларни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқмоқдалар. Йигит ва қизларимиз ўқишда, меҳнатда, илмий ва жамоат ишларида фаол қатнашиб, партия ва ҳукуматимизнинг бу юксак ишончини, албатта, оқлайдилар.

Шуниси қувонарлики, комсомол ташкилотининг ўқув-ишлаб чиқариш ишларидаги роли йилдан-йилга ортиб бораяпти. Группа, курс ва факультет комсомол ташкилотлари ўқув-ишлаб чиқариш комиссияси билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, студентларнинг ўзлаштиришига самарали таъсир кўрсатмоқда.

Самолётсозлик факультетида студентлар конструкторлик бюроси ишлаб турибди. Бу ерда саноат корхоналари олдига қўйилган бир қатор амалий масалалар ҳал этиб борилмоқда. Бошқа факультетларда ҳам ана шундай бюролар ташкил этиш вақти келди.

Студент ёшларимизнинг учинчи меҳнат семестрида қатнашиши анъанага айланиб қолди. Айниқса, бу йил талабаларимиз ватанпарварлик ҳаракатида фаол иштирок этдилар. Студент-зарбдорлар Тольятти шаҳар қурилишларида, Сирдарё область, Қорақалпоғистон АССР совхозларида ҳамда Тошкент шаҳри объектларида самаради меҳнат қилдилар. Зарбдор ҳаракатда 1200 дан ортиқ студент қатнашди. Ёшларимиз томонидан 1400.000 сўмлик иш бажарилди. Бу ерда гап қанча ҳажмдаги иш бажарилганлиги устида бораётгани йўқ. Энг муҳими, студентларимиз учинчи меҳнат семестри давомида техник масалаларни ҳал этишда тажриба ва малака орттирмоқдалар. Ўртоқ Л. И. Брежнев студентлар слётида сўзлаган нутқида бўлажак мутахассисларни тарбиялаб етиштиришда студент-қурилиш отрядларининг ролига катта баҳо берди. Ҳақиқатан ҳам студент қурилиш отрядлари ёшларимиз учун энг яхши мактаб ҳисобланади. Бу йил республикамиз студент-қурилиш отрядларида инженер ва прораб бўлиб ишлаш учун қурилиш факультетидан олтмишга яқин юқори курс студентларининг ажратилиши бежиз эмас.

Институт партия ташкилоти ўзининг тарбиявий иш планида илм толибларига эстетик тарбия беришга ҳам алоҳида эътибор беряпти. Барча турдаги ҳаваскорлик коллективларида жами факультетлардан 3 мингга яқин студент қатнашмоқда. Апрель-май ойларида институт бўйича «Баҳор-71» бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг фестивали ўтказилди. Бу кўрикда «Дола», «Сигма», «Стэмп» каби илғор коллективларимиз муваффақиятли қатнашди.

Институт комсомол комитети мамлакатимиз техника олий ўқув юртларининг бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг фестивалини ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Партком бу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Сентябрь ойида Тошкент шаҳрида «Халқлар дўстлиги» фестивали бўлиб ўтди. Бу фестиваль дўстлик кўригига айланди. Турли тилларда қўшиқлар, оҳанглар янгради. Саккизта иттифоқдош республикалардан ҳаваскор студентлар қатнашдилар. Халқлар дўстлигининг катта намойишига айланган бу фестиваль СССРнинг 50 йиллигига бағишланди. Ўйлаймизки, бундай тадбирларнинг тез-тез ўтказилиб туриши катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Шу кеча-кундузда институтимиз студент-ёшлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг студентлар Бутуниттифоқ слётида сўзлаган нутқидан руҳланиб, ўқишда, жамоат ишларида намуна кўрсатишга интилмоқдалар.

Излаш-изланиш... Самарқанд давлат медицина институтида студентларнинг назарий билимларини амалда мустаҳкамлашлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Суратда: даволаш факультетининг III курс студентларидан Ш. Рўзиқулов ва С. Бўриевалар микробиология кафедраси лабораториясида амалий машғулот олиб боришяпти.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

◆ Совет Узбекистонидаги 39 та олий мактабда ҳозир 233 минг талаба таҳсил кўрмоқда. Шулардан 35 мингдан зиёд студент фақат бу йил қабул қилинди. Уларнинг анчагина қисми ишлаб чиқариш стажига эга. Корхоналар ва колхозлар оширилган стипендиялар тўлаш шарти билан 1,5 минг студентни ўқитишга юбордилар.

◆ Бу йил республикамиздаги 16 та олий ўқув юрти ҳузурида ишчилар, колхозчилар ва армиядан бўшаб келган собиқ жангчилардан иборат тайёрлов бўлимлари ишлаб турибди.

◆ Олий малакали мутахассислар тайёрлашда иттифоқдош республикаларнинг Узбекистонга қардошларча ёрдами натта бўлмоқда. Москва, Ленинград, Киев, Новосибирск ва бошқа шаҳарларда. ги технология олий мактабларига Узбекистондан икки юзга яқин студент юборилди. РСФСР ва Украинадаги педагогика олий ўқув юртлари Узбекистондан 50 кишини ўқишга қабул қилди.

◆ Республикамиз олий ўқув юртларида илмий-техника революциясида муҳим роль ўйновчи электрон-ҳисоблаш техникасига алоҳида эътибор бериляпти. В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетида бу йил амалий математика ва механика факультети ташкил этилди. Бу факультет ҳисоблаш марказлари ва бошқаришнинг автоматлаштирилган системалари учун программачилар тайёрлаб беради.

◆ Олий ўқув юртларининг моддий базаси йилдан-йилга мустаҳкамланиб боряпти. Олий мактаблар проблемалар билан шуғулланувчи лабораториялар учун жуда яхши асбоб-ускуналар олдилар. Тошкент ва Самарқанд Давлат университетларида, халқ хўжалиги институтида ва Нукус педагогика институтида электрон-ҳисоблаш марказлари ишлаб турибди.

БАХТ ЙЎЛИ

Бу фикр унда ўз-ўзидан туғилмади. Охирги курс учун ёзилиши керак бўлган контроль иш мавзуси уни бу соҳада бош қотиришга, изланишга ундади. Изидор, аввал, ўзини-ўзи қойиган бўлди. Қаранг-а, шу вақтгача бу масала тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмабди. Инженер бўлаётган киши учун бундай бепарволик кечириб бўлмайдиган ҳолдир. Саноатда хўжалик ислоҳотига ўтила бошлаганига учтўрт йил бўлибди-ю, лекин у ишлаётган корхонада ҳатто бу ҳақда ўйлаб ҳам кўришмабди. Изидор бу масалани корхона бошқиқлари олдига қўйишга қарор қилди.

— Биз ислоҳотга аллақачон ўтишимиз керак эди, — деди у йиғилишда. — Устахонамиз бўлса унчалик катта ҳам эмас. Бунинг устига ишлаб чиқаришда мураккаб операциялар деярли йўқ. Мана, битта девор наридаги қўшни корхона — ремонт-механика заводини олайлик. Деярли у корхона билан бизнинг корхонамизнинг ишлаб чиқариш системаси бир хил. Лекин ремонт-механика заводининг янгича ишлаш усулига ўтганига икки йилдан ошяпти. Натижада завод маҳсулот ишлаб чиқаришда биздан ўзиб кетди. Планимизни бажара олмай, шаҳар корхоналари ичида орқада қолаётганлигимизнинг бош сабаби тушунарли бўлса керак.

Изидор ўз фикрини лўндалўнда ва конкрет мисоллар билан ўртага ташлади-да, жойига бориб ўтирди. Унинг бу гаплари ҳаммани ўйлантириб қўйди. Партия ташкилотининг секретари М. Михайлов ҳам Изидорни қўллади. Шундай қилиб, корхонада янгича ишлашни жорий қилиш тўғрисида ҳамма бир фикрга келди.

Йиғилишда ҳаммани ўзига қаратган, дадиллиги билан ўтирганларни қойил қолдирган бу йигит оддий касб эгаси, мастер, коммунист Изидор Кочмарик эди. У бундан уч йил бурун коммунистлар йиғинида худди шу масалани — корхонада планлаштириш ва иктисодий рағбатлантиришнинг янги системасини жорий қилиш масаласини кўтариб чиққан эди. Ўзи хўжалик ислоҳотига ўтиш учун тайёргарлик кўриш комиссиясига бошчилик қилди. Натижада қолоқ корхона илдам қадамлар ташлаб, маҳсулотни реализация қилиш планлари ошириб бажарилдиган бўлди.

Устахонада шу вақтгача меҳнатни илмий асосда ташкил этиш масаласига ҳам унчалик эътибор берилмай келинарди. Унинг таклифи билан навбатдаги партия йиғилишида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш бюроси тузилди.

Ёш коммунист Изидор ана шундай йигит. У тинибтинчимайди. Доимо коллектив манфаатини ўйлайди. Изидор меҳнатни илмий асосда ташкил этиш бюроси, рационализатор ва ихтирочилик бюроларига моҳирлик билан раҳбарлик қилиб келяпти.

Инсон ўз тақдирини ўз қўли билан яратади. Бундан атиги беш йил муқаддам оддий слесарь бўлган Изидор Кочмарик эндиликда катта бир корхонанинг бош мутахассиси.

1971 йил Изидор ҳаётида унутилмас йил бўлиб қолади. Уни Сирдарё область коммунистлари шонли партиямиз XXIV съездига делегат қилиб сайлашди.

Изидор жамоат ишларида ҳам актив иштирок этиб келаётир. У бир неча йилдан буён корхона комсомол ташкилотининг секретари, область комсомол ташкилотининг штатсиз секретари, айни пайтда у Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг аспиранти институтида сиртдан ўқимоқда. У олий мактабда олган билимларини ишлаб чиқаришда моҳирлик билан қўлланяпти. Меҳнатсевар йигит ўқишда, жамоат ишларида ва ишлаб чиқаришда активлик кўрсатмоқда.

Р. МАМАТҚУЛОВ,
Гулистон шаҳар электр асбоблари устахонаси.

ИШЛАЙМИЗ ВА ЯШАЙМИЗ

«Тўққизинчи беш йиллик планини бажариш—партия билан халқнинг муштарак ишидир. Бинобарин, совет студентлари бу ишга ўзларининг катта ҳиссасини қўшиши лозим».

Л. И. БРЕЖНЕВ.



«СИЗЛАРГА — СТУДЕНТЛАР, АЙНИҚСА, ТЕХНИКА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ ВА ТЕХНИКУМЛАРИНИНГ СТУДЕНТЛАРИГА МУРОЖААТ ЭТАМИЗ!

ТЕХНИКАГА МЕҲР ҚЎЙГАН, ҚАЛБИДА ЎТИ, ВИЛАГИДА КУЧИ БЎЛГАН БАРЧА ЕШЛАРГА ДИЛ СЎЗЛАРИНИ АЙТАМИЗ!

МЕХАНИЗАТОРЛАРНИНГ КОМСОМОЛ-ЕШЛАР ЗАРБДОР ОТРЯДЛАРИНИ ТУЗАЙЛИК! БУНДАН ОТРЯДЛАР ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ ДАВРИДА ПАХТАКОРЛАР ВА МЕХАНИЗАТОРЛАРГА КАТТА МАДАД БЕРАДИГАН БЎЛСИН...

ВУ ОТРЯДЛАР ПАХТАКОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ЖАНГОВАР РЕЗЕРВИ БЎЛИБ, МИНГЛАВ ТЕРИМЧИЛАРНИНГ ЎРНИНИ БОСАДИЛАР, КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДАН ИБОРАТ УМУМИЙ ИШИМИЗГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎША ОЛАДИЛАР».

(Ака-ука Шодиевлар мурожаатидан).

КЕЙИНГИ йилларда студент-ёшлар ҳаётида «Учинчи меҳнат» семестри яхши анъанага айланиб қолди.

Меҳнат семестри натижасида йигит-қизларимиз халқ хўжалигининг муҳим объектлари қурилишида фаол қатнашибгина қолмай, айни пайтда меҳнатни илмий ташкил этиш принциплари билан таниширишгилар, бирор касб эгаси бўлиб етишяптилар, шу билан бирга халқимиз ҳаёти ва турмуши билан яқиндан танишиб боряптилар.

Бугунги кунда студент ҳақли равишда фахрланса арзийди... Шимолий Қозоғистондаги «Булаевский» қўриқ совхози «Студент» номи билан аталади. Бу совхозни студент қурувчилар отрядининг бешиги деб аташ мумкин. 1959 йилда Москва Давлат университети физиклари ана шу совхоз қурилишига келиб ишладилар. Ундан кейинги йили ҳам совхоз ишчилари билан ёнма-ён туриб меҳнат қилдилар ва зарбдорлардан биринчи ёдгорлик «Студент» номи билан аталувчи кўча бунёдга келди.

Шундай қилиб, бепоён она-Ватанимизда энг фаол ва жамоатчи студентларимизнинг кўнгилли зарбдор отрядлари ҳаракати оммавий тус олиб кетди. Москвалик тенгқурлари бошлаб берган бу ватанпарварлик ҳаракатида иштирок этиб келаётган «Ўзбекистон» студент қурувчилар отряди ҳам катта тажриба тўплади. Учинчи меҳнат семестри давомида озмунча ишлар қилингани йўқ. Неча миг сўмлаб иш бажарилгани қанча куб метрлаб бетон ётқизилгани, қанча квадрат-метрлаб турар-жой, маданий-маиший, болалар муассасалари, неча километрлаб йўл қурилгани тўғрисида жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Асосий гап — сўм ёки куб метрда эмас. Энг муҳими шуки, ижтимоий ҳаётдаги бундай ишларда қатнашиш давомида студентларимиз ватанпарварлик, дўстлик ва интернационализм, коллективизм, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбияланмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1967 йил 26 майда студентларнинг ёзги ишларини ташкил этишни яхшилаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида чиқарган қарори студент-қурилиш отрядларига билдирилган катта ишонч бўлди. Студент-ёшларимиз партия ва ҳукуматимиз томонидан белгилаб берилган муҳим қурилиш объектлари ишларини жадал суръатлар билан олиб боришда муносиб улушларини қўшиб боряптилар. Айниқса, бу ватанпарварлик ҳаракатида Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлари талаба лари алоҳида ташаббус кўрсатмоқдалар. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университети, темир йўл транспорти инженерлари институти Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти қурилиш отряди зарбдорлари 1964 йилдан буён меҳнат майдонида жасорат кўрсатиб келмоқдалар.

1965 йилда республикамизда студентлар ҳаракати оммавий тус олди, у ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди. Икки минг студент ўн битта шоликорлик совхозларига — Қоракалпоғистон АССРнинг узоқ районларига бориб ишлаб, 2 миллион сўмдан ортиқ маблағни ўзлаштирдилар. Студентларимизнинг уюшқоқлиги, ташаббускорлиги йилдан-йилга ортиб борди. Айниқса бу нарса 1966 йил 26 апрелда пойтахтимизда юз берган зилзила оқибатларини тугатишда янада яққол кўзга ташланди. 20 минг студент шаҳарни қайта тиклашда қатнашди. Мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарлари студентларидан уюшган «Дўстлик» қурилиш отряди ҳам тошкентликлар билан ёнма-ён ишлади.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, студентларимиз В. И. Ленининг ёшларни коммунизмни ўрганишни, билим олишни, ишчи ва деҳқонларнинг умумий меҳнатида иштирок этиш билан қўшиб олиб боришга, ҳар бир қишлоқда, ҳар бир шаҳарда жуда кичик, жуда оддий бўлса ҳам умумий меҳнатнинг бирор вазифасини кун сайин амалда ҳал қилишга чақирган даъватини сидқидилдан бажармоқдалар.

Студент-қурилиш отрядлари ёшларимиз учун катта ҳаёт мактаби бўлиб қолди. Ўн минглаб йигит ва қизларимиз шу мактабдан ўтиб, ҳар томонлама чиниқдилар, ҳаёт тажрибасига эга бўлдилар.

1971 йил — совет халқлари ҳаётида алоҳида йил бўлди. Бу мамлакатимизда коммунизм қурилишининг улкан программасини белгилаб берган КПСС XXIV съезди йили бўлди. Ана шу катта форум кўрсатиб берган тўққизинчи беш йиллик режаларини амалга оширишда фаол қатнашиш — студент қурилиш отрядлари зарбдорлари учун ҳам фахрли, муқаддасдир.

Студент — бўлгуси етук мутахассис... Лекин ҳозирги дамда у ижодкор, меҳнаткаш, яратувчи. «Ўз меҳнатимиз, ўқишимиз ва ҳаётимиз билан ёш ленинчи деган номга муносиб бўламиз» деб аҳд қилган студент-ёшларимиз, шубҳасиз, Ватан, халқ ишончини шараф билан оқлайдилар.

Д. ИСМОИЛОВ,
«Ўзбекистон» студент-қурилиш отрядининг командири.

МЕҲНАТГА ҲУРМАТ

ҚУРИЛИШ ОТРЯДЛАРИ ДАФТАРИДАН

◆ Студент қурилиш отрядлари мамлакатимиз олий ва ўрта махсус ўқув юртлари комсомол ташкилотлари ҳаёти ва фаолиятига мустаҳкам ўрнашиб қолди. Ўзбекистон олий ўқув юртлари талабалари бу ҳаракатга 1964 йилда қўшилдилар.

◆ 1965 йилда республикада студент қурилиш отряди ташкилий жиҳатдан уюшди. Икки минг студент ўн битта шоликорлик совхозларига бориб, икки миллион сўмлик ишни бажарди.

◆ 1966 йил. Тошкент шаҳрини қайта тиклашда 20 минг студент иштирок этди. СССРнинг бошқа шаҳарларидан келган икки минг студент «Дўстлик» отряди сафида тошкентликлар билан ёнма-ён меҳнат қилди.

◆ 1967 йил. 2 минг студент республикамизнинг тўрт областида бўлиб, 2,8 миллион сўмлик иш бажарди.

◆ 1968 йил. Ўзбекистоннинг 34 та ўқув юртидан 3,5 минг талаба саккиз министрлик ва идоралар системасида ишлаб, 3,9 миллион сўмлик ишни адо этди.

◆ 1969 йил. Қурилиш обектларида 7 минг зарбдор студент иштирок этди. Бу вақтга келиб студент қурилиш отрядларининг ишлаш жойлари географияси кенгайиб кетди. Ёшларимиз Красноярск ўлкасида, Иркутск ва Кемерово областларида, Камчаткада ва Тольятти шаҳрида, Волга автомобиль заводи қурилишида қатнашдилар.

◆ Ниҳоят, 1971 йилда 13 минг кишилик отряд 14 миллион сўмлик капитал маблағни ўзлаштириб, 120 та объектни ишга туширди.

◆ Студент қурилиш отрядлари ташкил топгандан буён комсомол-ёшлар томонидан жами 545 та уйжой, маданий-маиший бинолар ва ишлаб чиқариш объектлари қурилди, 60 миллион сўмдан кўпроқ капитал маблағ ўзлаштирилди, 935 та концерт кўрсатилди, 13 мингдан ортиқ лекция ўқилди ва суҳбатлар ўтказилди, қишлоқ меҳнаткашларига 100 мингдан зиёд даволаниш-профилактика ёрдами уюштирилди, 19 минг киши эмланди, медицина мавзуларида 14 мингга яқин лекция ўқилди.

ОТАЛАРЧА ҒАМХЎРЛИК

Партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги, яқиндан берган ёрдами туфайли институтимиз кадрлар тайёрлаш борасида катта тажрибага эга бўлган энг йирик олий ўқув юртларидан бирига айланди. Ҳозиргача институтимизни ўн мингдан ортиқ юқори малакали агрономлар, зоотехниклар, ветеринария врачлари ва бошқа мутахассислар битириб чиқди. Қишлоқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича мутахассисликка эга бўлган ўн икки мингдан ортиқ киши институтимизда ўз малакасини оширди, фаннинг янги ютуқлари ва илғорлар тажрибасини ўрганиб, ўз билимларини бойитди.

Студентлар ўртасида таълим-тарбия ишларини яхшилаб боришда институт партия комитети, комсомол ва касаба союз ташкилотлари ректоратга яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Айниқса, комсомол-ёшларни н г «Ленинча ўқиймиз. яшаймиз ва ишлаймиз» шиори остида ўтаётган Бутуниттифоқ ленинча синовлари самарали натижалар бермоқда. Студентларимизнинг ўқишдаги, жамоат ишларидаги активлиги тобора ортиб боряпти. Аълочи студентлар сони ҳам 1970 — 1971 ўқув йили давомида бир ярим баравар ортди.

Студентларимиз ҳар йили ёзги таътилни колхоз ва совхозларда, турли қурилиш ташкилотларида ўтказадилар. Аудиторияларда олган назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаб борадилар. Бу йилги учинчи меҳнат семестрида кўплаб студентларимиз мол озуқаси тўплашда, қурилиш объектларини мудатидан олдин фойдаланишга топширишда ташаббускорлик кўрсатдилар. Ветеринария факультетининг иккинчи курс студент қурилиш бригадаси зарбдорлари Иштихон районидаги колхозлараро қурилиш бошқармасида, «Халқобод» консерва, Митан ғишт заводлари қурилишларида ишладилар 60 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини сифатли бажардилар. Шунингдек, студент қурилиш отрядларимиздан катта группаси Пастдарғом, Хатирчи, Пайариқ, Жомбой районларидаги қурилиш объектларида тер тўкдилар. Бухоро областидаги Конимех, Навоий район қурилишларида бўлдилар. Катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини бажариб. Самарқанд олий ўқув юртлари ўртасида биринчи ўринни эгалладилар.

Институтимизга комсомол-ёшлари қишлоқларга оталиқ ёрдамини кучайтириш юзасидан ташаббус кўтариб чиқдилар. Унинг якунлари ёмон бўлмади. Ўқув даргоҳимиз комсомол комитети студентларнинг республикалараро Бутуниттифоқ ленинча синовида эришган улкан ютуқлари учун Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ва Фахрий ёрлиғини ҳамда қимматли мукофотини олишга муяссар бўлди.

Маълумки, қишлоқ хўжалик институтини битирган ҳар бир мутахассис қишлоқ знёлиси сифатида ишчи-деҳқон хонадонларига маданият, маърифат нурларини олиб бориши керак. Кейинги вақтларда қишлоқ жойларида спорт, бадиий ҳаваскорлик ишларининг авж олганлиги ёш мутахассислар олдига янада янги талаблар қўймоқда. Ана шуларни ҳисобга олиб, институтда ижтимоий ихтисос факультетини ташкил этдик.

Студентларнинг Бутуниттифоқ слётида институтимизнинг икки вакили — ветеринария факультети комсомол ташкилотининг секретари Эркинжон Мақсудалиев, агрономия факультетининг тўртинчи курс студенти «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланган Ҳикоят Рустамовалар қатнашди. Улар слёт ҳужжатларини, ўз таассуротларини факультетларда ва курсларда ҳикоя қилиб бердилар.

Студент-ёшларимиз ленинча ўқиш,ишлаш ва яшаш юзасидан конкрет тадбирларни белгилаб олдилар.

Р. ҲАЙИТОВ,
Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ректори, ветеринария фанлари доктори, профессор.

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

МИННАТДОРМИЗ

Москвада, Катта Кремль саройида студентларнинг Бутуниттифоқ слётида Қоракалпоғистон Автоном Республикаси студентлари номидан иштирок этишга муяссар бўлдим. Слёт «Ленинча ўқийлик, ишлайлик ва нурашайлик» шиори остида ўтди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг докладини зўр қизиқиш билан эшитдик. Жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг совет студентларига кўрсатаётган оталарча ғамхўрлигидан беҳад миннатдормиз.

Л. И. Брежневнинг слётда сўзлаган нутқи ленинча ўқиш, ишлаш ва нурашда биз студентлар учун асосий программа бўлиб қолади. Слёт матерриаллари институтимиз партия, комсомол ташкилотлари йиғилишларида, студентлар ўртасида чуқур, ҳар томонлама муҳокама этилди.

Институтимизда икки ярим мингдан кўпроқ студент таълим олмоқда. Ҳаммамиз бир ота-онанинг ўғил-қизларидан билим чўққиларини, марксизм-ленинизм асосларини эгаллаяпмиз.

Партия ва ҳукуматимиз стипендияни кўпайтириш юзасидан махсус қарор чиқарди. Бу қарор студентларнинг ўқишга нисбатан масъулиятини янада оширади. Биз бу ғамхўрликка жавобан билим асосларини чуқур эгаллаш, жамоат ишларида актив қатнашиш билан жавоб берамиз. Орамизда фанлардан тўла ўзлаштирмайдиган битта ҳам студент бўлмайди. Машғулотларда фаол қатнашиб, назарий билимларни амалий машғулотлар билан кўшиб олиб борамиз. Институтимиз студентлари ўқишдан бўш вақтларида жамоат ишларида фаол қатнашишга ахд қилдилар.

Нукус шаҳрини, институтимиз атрофини ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш ишларига муносиб ҳисса кўшамиз, боғ-роғлар яратамиз. Жамоат жойларида, институтимизда ва ётоқхонада санитария-гигиена қоидаларига риоя қиламиз.

Студентлик—олтин даврдир. Бу даврдан ҳаётни чуқур ўрганишга, касбни пухта ўзлаштиришга, уни изчил эгаллашга ундайди.

У. ТОЖИЕВ,
Т. Г. Шевченко номидаги Қоракалпоғистон Давлат педагогика институти физика-математика факультетининг IV курс студенти, Қоракалпоғистон АССР Олий Советининг депутати.

БЕҒУБОР ЁШЛИК

Зайнитдиннинг таржимаи ҳоли қисқа. Йигирма етти ёшда. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида наққош бўлишни орзу қилган эди. Ўша йиллари Островский номидаги пионерлар саройига уста Ҳакимов раҳбарлигидаги наққошлик тўгарагида қатнашган эмас. Мактабни тугатиб, 1961 йилда республика рассомчилик билим юртига ўқишга киради. 1963—1966 йилларда Совет Армияси сафида хизмат қилади. Хизматни ўтаб бўлгач, Зайнитдин Тошкент электротехника заводида радиомонтёр бўлиб ишлайди. Механтсеварлиги, софдиллиги орқасида завод коллективининг ҳурматини қозонади. Завод партия ташкилоти Зайнитдинни КПСС сафига қабул қилади. 1968 йили эса университетнинг тарих факультети фалсафа бўлимига ўқишга киради... Анкета сўзи билан айтсак, бор гап мана шу, холос.

Биз келганда Зайнитдин 84-ётоқхона студентлар советининг раиси Ш. Ашуров ва тарих факультетининг студенти Т. Ҳамроевлар билан бугун ўтказиладиган кеча планини тузиб ўтиришган экан.

Республикамиз ёшларининг қайноқ ҳаёти билан Зайнитдин олдин газета ва журналларни ўқиб, танишган бўлса ,эндиликда у Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ёшлар иши бўйича доимий комиссия аъзоси сифатида областлар бўйлаб қилган сафари давомида уларга қўлидан келган ёрдамини беряпти. Наманган областида бўлганида «Ўроқ-Волга» дўстлигига бағишланган тантаналар, маросимлар, қишлоқ ёшлари ҳаётидаги янгиликлар билан яқиндан танишди. Зайнитдин Москвада ўтказилган Бутуниттифоқ ёшлар слётида иштирок этиб, ўртоқ Л. И. Брежневнинг сермазмун докладини тинглар экан, ҳаётга бошқача кўз билан қараётгандай сезди ўзини. Слёт президиумида ўтирар экан, беихтиёр сўнгги йилларда биргина Студентлар шаҳарчасининг ўзида қанчалар улкан ишлар қилинганини ўйлаб кетди.

Аввал, студентлар шаҳарчасида бир нечтагина ўқув корпуси ва ётоқхона бор эди. Кейинги йилларда бу ерга университетнинг деярли ҳамма факультети кўчиб келди. Янги магазин, кафе ТошДУ бош маъмурий корпуси — хуллас, янги шаҳарчанинг қуриб ишга туширилиши партия ва ҳукуматимизнинг олий мактаб ҳақида кўрсатаётган катта ғамхўрлигининг намунасидир. Зайнитдин Москвадан янги куч, янги илҳом билан қайтди. Студентларнинг талабига мувофиқ студентлар шаҳарчаси бўйича ягона бирлашган студентлар Советини тузиш масаласини Собир Раҳимов район партия комитетига олиб чиқди. Район партия комитети бу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Бу Зайнитдинни ишонч билан депутат қилиб сайлаган кўпминг соғлом студентлар оммасига энг биринчи ёрдами, депутатлик фаолиятида қўйган илк қадамидир.

Зайнитдин тинмай ўқишда, ўрганишда. Кутубхоналарда соатлаб ўтиради, жамоат ишларини бажаришга ҳам улгуради.

...Ётоқхона студентлар Советининг раиси Т. Ашуров бизни ўша куни ўтказиладиган кечага таклиф қилди. Бажонидиллик рози бўлдик. Биз у билан охиста гаплашиб борардик. Ҳаво соф, бегубор!

Киши умрининг шу бегубор осмон каби жўшқин даври бўлган студентлик йиллари ҳаётингизда янада салмоқли из қолдирсин, Зайниддин Тожиев!

М. УБАЙДУЛЛАЕВА.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

◆ **Республикамизда ўрта махсус ўқув юртларининг сони эндиликда 168 тага етди. Ангрен ва Марғилон бинокорлик техникумлари, Тахиатошда савдо-экономика техникуми ва Андижонда авиация техникуми бу йил биринчи ўқув йилини бошлади.**

◆ **Утган беш йилликда мамлакатимиз илм толибларининг йигирма мингдан ортиқ илмий иши Бутуниттифоқ конкурсига тавсия этилди. Шундан 1167 студент «Студентларнинг энг яхши илмий иши учун» медали билан тақдирланди.**

◆ **Республикамиз олий ўқув юртлари кундузги бўлимида ўқиётган 70 мингдан зиёд студентдан йигирма мингга яқини илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланишга жалб этилган. Республикамиздан 114 та студентнинг илмий иши Бутуниттифоқ конкурсига тақдим этилди.**

СУРАТЛАРДА (юқоридан пастга): 1. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг ядро физикаси лабораториясида катта ўқитувчи, физика-математика фанлари кандидати Р. Бобожонов IV-курс студентларидан Р. Юсупова ва Т. Иномовлар билан микрофотометрда машғулот олиб боряпти. 2. Тошкент тўқимачилик институти. Ўқитувчи М. Садриддинова механика-техника факультетининг V-курс талабалари билан пахта йигирув лабораториясида машғулот ўтказмоқда. 3. Тошкент политехника институти студентларининг самолётсозлик бўйича конструкторлик бюроси аъзоларидан Л. Осипянц, В. Хурстов, В. Ракипов ва Т. Нуралиевлар. 4. Қадимий Бухоро шаҳри замонавий бинолар билан нўрмалашиб боряпти. Бухоро Давлат педагогика институтининг янги ўқув корпусларидан бири.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

— Ана келди!

У бригада аъзолари билан бирма-бир сўрашиб чиқди. Турдихон баҳри-дили очилиб стулга ўтирди. Бир зумда суҳбат қизиб кетди. У Москва таассуротлари ҳақида, студентларнинг Бутуниттифоқ слёти ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Дарвоқе, Турдихоннинг ўзи ким? Унинг ҳаёт йўли жуда оддий. Меҳнат фаолиятини бошлаганига атиги тўрт йил бўлди. Тез ўсди, тез танилди. Пахтаобод районидаги «Правда» колхозида ўрта мактабни битиргач, ота касбини танлади. Пахтакор бўлишга, деҳқончилик илмини эгаллашга бел боғлади. Ёшлик ғайрати, ёшлик шижоати унга тинчлик бермади.

1968 йилда Турдихон ишлаётган колхоз қолоқлар даврасида эди. Хўжаликни илғорлар даражасига кўтариш масаласи кўндаланг бўлиб турарди. Айниқса, колхознинг Маданият массивидаги еридан фойдаланиш ёмон эди. Массив қишлоқдан 20 километр узоқликда, қатнаб ишлаш учун ноқулай. Бу ердаги 300 гектар ер колхознинг 18 та бригадасига бўлиб бериларди. Кўчма бригадалар ҳар гектар ердан аранг 20 центнердан хирмон кўтарарди.

Бир йиғилишда Маданият массивига кўпроқ куч ташлаш керак, дейилди. Лекин йигитлардан ҳеч ким мен бораман, деб чиқмади. Шунда Турдихон Тўхтабоева сўз олиб, Маданият массивига бориб ишлаш истагини билдирди. Унга ўттиз қиз эргашди. Колхоз раҳбарлари қизлар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қила бошладилар. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги қизларга битта автобус совға қилди. Маданият массиви ташландик, тошлоқ жой эди. Илгари бу ерларга қайроқи буғдой экиларди. Чунки сув етишмасди. Қизларнинг пойқадами етгач, яйдоқ даштда каналлар, ариқлар қазилди. Маданият насос станцияси қурилди. Дала шийпони қад кўтарди. Шийпон атрофи обод қилинди. Кўчма магазин, кутубхона пайдо бўлди.

Қизлар астойдил ишга киришиб кетди. Ҳар тонгда даштга бориб, кечгача ишлаб, кечқурун қишлоққа қайтишади. Кунига ўрта ҳисоб билан 40 чақирим йўл юришади. Жасур қизлар биринчи йили 300 гектар ерда мўл ҳосил етиштирдилар. Пахтани машина билан ўзимиз терамиз, деб механизаторлар курси очиб беришни таклиф қилдилар. Курс очилди. Турдихон ва унинг дугоналари механизатор бўлиб етишдилар. Ўн бир қиз «зангори кема» рулига ўтирди ва 70-90 тоннадан пахта терди. Ҳар гектар ердан 30 центнердан хирмон кўтарилди. Бир йилда ҳосилдорлик гектар бошига 10 центнер ошди.

1969 йили Турдихон бригадага бош бўлди. Маданият массивидан 70 гектар ер олиб, мустақил деҳқончилик қила бошлади. У Андижон областидаги дугоналарига мурожаат қилиб қизлар бригадалари тузишга даъват қилди. Сал ўтмай Маданият массивида 20 га яқин қизлар бригадалари ташкил этилди. Шундан кейин Маданият массивига Комсомол массиви, деб ном берилди. Избоскан, Пахтаобод районларидаги барча хўжаликларда қизлар бригадалари тузилди. Бошқа районларда ҳам ана шундай қизлар коллективлари вужудга келди.

Турдихон Тўхтабоева бригадаси 1969 йилги қийин шароитда ҳам ҳар гектар ердан 30 центнердан ошириб хирмон кўтарди. Бултур унинг бригадаси 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил олди.

Партия ва ҳукуматимиз Турдихоннинг меҳнатларини муносиб тақдирлади. Ўтган йили уни Ленин юбилейи медали билан сийлади. Бу йил Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Узбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланди. Юксак мукофотлар Турдихон Тўхтабоевани жасоратга ундаяпти.

У ўқишни ҳам унутмади. Андижон пахтачилик институтининг сиртқи бўлимига ўқишга кирди. Ҳозир институтнинг учинчи курсида таълим оляпти- Аъло ўқиши, зарбдор меҳнати учун яқинда студентларнинг Бутуниттифоқ слётида қатнашди. Слётдан қайтиб келгач, ҳисоб-китоб қилиб кўрди. У раҳбарлик қилаётган бригада бу йил 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олди. Ялпи ҳосилнинг деярли ҳаммаси машина билан териб олинди. Унинг ўзи машина бункеридан 100 тоннадан зиёд пахта тўкди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ер юзида

И. ГАНДИ НУТҚИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистон бош министри Индира Ганди Деҳли университетида ўтказилган кўп минг кишилик митингда сўзга чиқиб, бундай деди: «Ҳиндистон ҳеч қачон урушни истаган эмас ва ҳамма вақт урушнинг олдини олишга уриниб келди. Ҳиндистон ярим оролида тинчликни сақлаб қолиш учун мумкин бўлган ҳамма ишни қилди. Қонли уруш бошланиб кетганлиги учун бутун жавобгарлик Покистоннинг ҳарбий маъмурлари зиммасига тушади».

Индира Ганди уқтириб ўтдики, Покистоннинг ҳарбий маъмурияти ҳокимиятни ҳақиқатан ҳам Шарқий Покистон халқи қўлига топширади, деб Ҳиндистон ишонган эди. Лекин ҳарбий маъмурлар халқни бир-бири билан уруштирдилар ва халқ сайлаб қўйган раҳбарларга ҳужум қилдилар.

Ҳиндистон ўз қўшниси Бангла Дешга ёрдам беришни истаганлигини билдирганда. Покистоннинг қуролли кучлари Ҳиндистонга ҳужум қилдилар, деди бош министр.

Индира Ганди баъзи ғарбий давлатларнинг тутган позицияси тўғрисида гапириб, бу мамлакатлар Ҳиндистон халқини ва ҳукуматини тўғри тушунишни сира истамаганликлари муносабати билан таассуф билдирди. Бу давлатлар Бангла Дешнинг ҳеч қандай айби бўлмаган юз минглаб ҳимоячисиз, тинч аҳолиси ўлдирилаётганлигини тўғридан-тўғри назарписанд қилмаяптилар, деди.

Ҳиндистон, деди сўзининг охирида Индира Ганди, тинчликка эришмоқ учун мумкин бўлган бутун кучини сарфлайди.

ЖАНГ БЎЛАЁТГАН ЖОЙЛАРДА

(ҲИНДИСТОН — ПОКИСТОН ЧЕГАРАСИДАН РЕПОРТАЖ)

Атроф жой тусида ниқобланган автобусимиз Ҳиндистоннинг зим-зиё пойтахтидан жўнаб кетди: мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон этилганлиги муносабати билан Деҳлини тунда доимо қоронғилатиб қўйиш жорий этилган. Ҳаво тревогасининг сигналлари тез-тез янграб туради. Биз, бир группа ҳинд ва чет эл журналистлари Ҳиндистон — Покистон чегарасининг ғарбий участкасидаги районларига йўл олдик. Шу хавотирли тунда ҳеч биримиз ухлаб олган эмасдик, шундай бўлсада, ҳеч кимнинг уйқуси келмасди. Ҳамма ҳозир чегараларда рўй бераётган воқеаларни ва Ҳиндистон билан Покистон ўртасида ҳарбий можаро чиқарган сабабларни муҳокама қиларди.

Ғарбдаги, айниқса АҚШдаги империалистик доиралар, шунингдек маочилар раҳбарлиги ҳозирги можаронинг масъулиятини ҳеч асоссиз Ҳиндистон зиммасига тўнкашга уринмоқдалар. Улар можаронинг дастлабки сабабларини бузиб кўрсатиб, уруш Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги муносабатлардан чиқиб келди, деб исбот қилишга уринмоқда. Шу билан бирга улар можарони, портлаш хавфи бўлган вазият Ғарбий Покистон ҳарбий маъмурларининг Шарқий Покистон тинч аҳолисини оммавий равишда жазолаши натижасида, бу мамлакатдаги демократик ҳаракатни қурол кучи билан аёвсиз бостириш натижасида вужудга келганлиги хусусида атайин чурқ этмаяптилар Шарқий покистонлик ўн миллион қочоқнинг Ҳиндистонга ўтганлиги Ҳиндистон учун жуда кўп жиддий проблемалар ҳамда иқтисодий, сиёсий ва социал характердаги жуда катта қийинчиликлар вужудга келтирди. Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди шу ҳақда бир неча марта гапириб, Шарқий Покистондаги можарони ушбу мамлакат халқи ва шу сайлаган раҳбарларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини назарда тутган ҳолда сиёсий йўл билан тезроқ бартараф этиш зарурлигини таъкидлади.

Биз йўл-йўлакай мана шуларни муҳокама қилиб бордик. Шундай қилиб вақт ўтганини билмай қолдик ва Шимолий Панжобдаги Патанкот шаҳрига кириб бордик. Биз Ҳиндистон ҳарбий ҳаво кучлари полковникининг ҳамроҳлигида маҳаллий ҳарбий аэродромни ва маъмурий шаҳарчани кўздан кечирдик. Бомбаларнинг портлашидан ҳосил бўлган чуқурликлар, шикаст топган биноолар ҳамда портлашдан синган дарахтлар журналистларга кўрсатилди, Покистон авиацияси ҳужумининг қурбонлари ҳақида гапириб берилди.

Биз тунни аэродромдан сал наридаги посёлкада ўтказдик. Туни билан ҳаво тревогаси тўғрисида огоҳлантирувчи сиреналарнинг увиллашидан, пастлаб учиб ўтган реактив самолётларнинг ғаиллашидан, зенит тўпларининг ўқ узишидан бир неча бор уйғониб кетдик. Ўша тун Покистон авиацияси Патанкотга яна ҳужум қилди.

Йўлимизни ғарби-шимол сари давом эттирамиз. Жамму шаҳри Покистон чегарасига бевосита якин. Аммо бу ердаги меҳнат билан ўтаётган одатдаги ҳаётни кўриб, шаҳар яқинида уруш ҳаракатлари бўлаётганлигини айтолмайсиз. Жамму ва унинг атрофларида фабрика, заводлар, муассасалар ишлаб турибди, магазинлар очиқ, маҳаллий аҳоли осойишта ва бардам. Тунлар доимо қоронғилатилганлиги ҳамда кўчаларда граждан мудофаси соқчиларигина яқингинада ўқ узилаётганлиги, қон тўкилаётганлиги, кишиларнинг ҳаёти тўхтаётганлигини билдиради.

Армия машиналари икки соат ўтар-ўтмас бизни сўнгги кунларда Ҳиндистон билан Покистон қўшинлари ўртасида шиддатли жанглар бўлаётган чегарадаги Чхамб секторига элтиб қўйди. Маҳаллий газеталарни ўқиб, Покистон шу участкада иккита пиёда дивизиясини ва битта бронетанк дивизиясини тўплаганлигини билдик. Ҳинд армиясининг генерали айтдики, Покистон қўшинлари Жамму ва Кашмир штатида стратегия жиҳатидан муҳим бўлган бир қанча пунктларни ишғол қилишга уринмоқдалар. Аммо ҳозирча бундай уринишлар Покистон томонига сезиларли бирон муваффақият келтирганича йўқ.

Ҳинд қуролли кучларининг мошранг тусдаги уст-бош кийган офицери учта журналистни олдинги позицияларга олиб борди. Яқингинада пулемётнинг бир маромдаги ноғораси эшитилмоқда, тўпхона тўхтамаяпти. Ҳандақлардаги ҳинд солдатларини кўрамиз. Устимиздан бир неча тўп ўқи учиб ўтади, шулардан бири ёнимизга тушиб портлайди. Бояги офицер бизни дарҳол бир мунча хавфсизроқ жойга қайтариб боришга қистайди.

Офицер асирлардан бири — Покистон подполковниги Вачарат батальонга бош бўлиб Ҳиндистон — Покистон чегарасидан ўтган ва Ҳиндистон территориясининг ичкарисига кирган, ўртада бошланган жангда ўқ еб асир қилиб олинган.

Чегара районларида ўтказилган бир неча кун мобайнида ҳинд солдатлари ва офицерлари билан, маҳаллий аҳоли, граждан маъмуриятининг вакиллари билан кўп суҳбатлар ўтказдик. Ҳинд ҳарбий хизматчилари Покистон халқига нисбатан ҳеч бир адоватлари йўқ эканлигини, аммо ўз мамлакатларининг чегаралари ва территориясининг дахлсизлигини ҳимоя қилишга маҳкам бел боғлаганликларини бир неча бор таъкидладилар. «Ҳинд халқи тинчликни хоҳлайди, аммо ҳар қандай агрессияга қатъий зарба беради», — дейишди улар.

Ҳиндлар ҳозирги мураккаб вазиятда Совет Иттифоқи тутган позиция тўғрисида, совет раҳбарлари можарони сиёсий йўл билан бартараф этилишини қўллаб-қувватлаб гапираётганликлари ҳақида, СССР вакилларининг БМТдаги фаолияти тўғрисида қувониб гапирдилар. Совет Иттифоқи Ҳиндистон ярим оролида вужудга келган вазиятнинг замирига тушуниб етиб, тинчликсевар сиёсатга содиқ турганлигини яна бир бор таъкидламоқда, дейишди ҳинд гражданлари.

Шу кунларда Ҳиндистон ярим ороли узра ўқ овозлари янграмоқда. Аммо биз ким билан учрашмайлик, улар ярим оролга тинчлик, осойишталик ва хавфсизлик ҳаётий зарур эканлигига, Ҳиндистон билан Покистон халқлари дўст ва яхши қўшни бўлиб яшамоқлари кераклигига қаттиқ ишонганликларини изҳор этдилар.

С. БУЛАНЦЕВА,
(ТАСС мухбири).

Патанкот — Жамму — Деҳли,
Декабрь.

ҲИНДИСТОН ЯРИМ ОРОЛИ ЎТ ИЧИДА

Шу кунларда бутун жаҳон жамоатчилиги Ҳиндистон ярим оролида рўй бераётган воқеаларга жиддий эътибор қилмоқда. Бу ярим оролда Покистон билан Ҳиндистон ўртасида уруш ҳаракатлари кучайиб кетди.

Ғарбий Покистон маъмурлари Шарқий Покистон аҳолиси ғоят кўпчилигининг хоҳиш-иродасини шафқатсизлик билан барбод этганлиги можарони келтириб чиқарган асосий сабаб бўлди. Шарқий Покистон аҳолиси 1970 йил декабрь ойида ўтказилган сайловда М. Раҳмон бошчилигидаги халқ иттифоқи партиясини қўллаб-қувватлади. Бу партия прогрессив ислоҳотлар ўтказилишини ва ягона Покистон давлати доирасида Шарқий Покистонга кенг автономия берилишини ёклаб чиқди. Ғарбий Покистон ҳарбий маъмурияти сайлов натижаларини назар-писанд қилмай, халқ иттифоқининг ҳамма тарафдорларига қарши қонли террорни кучайтириб юборди. Бунинг натижасида шарқий покистонликлардан неча юз минглаб киши ўлдирилди. 10 миллионга яқин киши репрессиялардан қутилиш мақсадида қўшни Ҳиндистонга қочиб кетишга мажбур бўлди. Бу ҳол чегара районларидаги кескин аҳволни янада мушкуллаштириб юборди.

Чегара можаролари пировардида чинакам уруш ҳаракатларига айланиб кетди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретари У Таннинг докладидан маълум бўлишича, Покистон томони уруш ҳаракатларини бошлаб юборган. Ҳиндистон армияси жавоб тариқасида зарба берди ва Шарқий Покистонда жуда катта муваффақиятларга эришди. Шарқий Покистонда «Мукти бахини» (озодлик кучлари) отрядлари Ҳиндистон армияси қисмларига қўшилди.

Ҳиндистон ярим оролидаги ҳарбий можаро жаҳон жамоатчилиги кенг доираларини ташвишга солди ва бу можаро Бирлашган Миллатлар Ташкилотида қизғин муноза рага сабаб бўлди. Шу нарса характерлики Хитойнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги делегацияси Қўшма Штатлар билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилди ва можарони сиёсий жиҳатдан чинакам бартараф қилиш йўлларини қидириб топиш учун эмас, балки Совет Иттифоқига қарши ғаразли тухмат гапларни айтиш учун шу ташкилотнинг мўътабар минбаридан фойдаланди.

Шу муносабат билан Байрутда чиқадиган «Аш-Шаб» газетаси қуйидагиларни ёзди: Пекин раҳбарлари СССРнинг Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги можарога нисбатан позициясини бузиб кўрсатиш ва қоралашга уриниб, империализм планларининг қатнашчиси бўлиб қолмоқдалар. Хитой Халқ Республикасининг вакили, деб таъкидлайди газета. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Шарқий Покистон аҳолисининг манфаатларига, шу районда тинчлик ва хавфсизлик манфаатларига тамомила зид бўлган Америка лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Ҳозирги вақтда бизнинг мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида ҳам, бу ташкилотдан ташқарида ҳам халқаро кескинликнинг ана шу янги ўчоғини тугатиш учун зўр бериб ҳаракат қилмоқда. Совет Иттифоқи барча уруш ҳаракатлари дарҳол тўхтатишни ва айни вақтда Шарқий Покистон халқининг ўтган йил декабрь ойидаги сайловда аниқ ифода этилган хоҳиш-иродасини ҳурмат қилиш негизида Шарқий Покистон проблемасини сиёсий жиҳатдан ҳал этиш мақсадида самарали чоралар кўрилишини талаб қилмоқда.

А. КРАСИКОВ.
(ТАСС).

КХДР. Ушбу сурат Пхеньяндаги кондитер фабрикасида олинган. Яқинда корхона ҳодимлари янги «ширин совғалар» тайёрлашга киришдилар.

ЦТАК—ТАСС фотоси.



ЮГОСЛАВИЯ. Титораддаги аёллар кийими фабрикасининг маҳсулотлари мамлакатдагина эмас, чет элда ҳам жуда машҳур. Уларнинг 75 проценти Совет Иттифоқига экспорт қилинади. Суратда: фабрика цехларидан бирида.

В. ТЕРЕХОВ фотоси, (ТАСС).

«ПЕКИНЛИК РАҲБАРЛАР — ИМПЕРИАЛИЗМ РЕЖАЛАРИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИДИР»

◆ БАЙРУТ. (ТАСС). Ҳиндистон — Покистон можаросида Хитойнинг тутган позицияси прогрессив араб жамоатчилиги доираларини ҳаққоний равишда даргазаб қилмоқда.

Хитой раҳбарлари, деб ёзади Байрутнинг «Аш-Шаб» газетаси, Совет Иттифоқига танқидлар ёғдириб, Шарқий Покистон халқининг ҳақ-ҳуқуқларини мутлақо асоссиз равишда назар-писанд этмаяпти, бу халқнинг озодлик ва мустақиллик учун олиб бораётган бутун курашидан кўз юммоқда.

Газета таъкидлайдики, пекинлик раҳбарлар Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги можаро хусусида Совет Иттифоқи тутган позицияни бузиб кўрсатиш ва қоралашга уриниб империализм режаларининг қатнашчилари бўлиб қолмоқда. БМТдаги овоз бериш мисолида бу нарса айниқса аққол кўринди. Шунда ХХР вакили Шарқий Покистон аҳолисининг манфаатларига, ер қуррасининг шу районидаги тинчлик ва хавфсизлик манфаатларига тубдан зид бўлган Америка лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

◆ ХЕЛЬСИНКИ. (ТАСС). «Тиедонантая» газетаси Ҳиндистон — Покистон можаросида ХХР тутган сиёсатни қаттиқ қоралаб чиқди. АҚШ империализми Хитойнинг Совет Иттифоқи ва Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатларга қарши қаратилган фаолиятига кўп жиҳатдан умид боғламоқда, деб ёзади газета. Аммо Хитой ва АҚШ Покистон маъмурларининг Шарқий Покистон аҳолисини жазолаётганликларини қўллаб-қувватлаб, «воқеаларнинг бундан буёғи ривожланишидаги масъулиятни ўз зиммаларига олмоқдалар».

«Тиедонантая» Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги уруш ҳаракатларидан, тинчлик ва хавфсизликка бевосита таҳдид солувчи уруш ҳаракатларидан бениҳоя ташвишланганлигини изҳор этиб, Совет Иттифоқининг Шарқий Покистонда ҳунрезликни дарҳол тўхтатиш ва можарони маҳаллий аҳолининг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳурмат қилишга асосланган сиёсий йўл билан бартараф этишга қаратилган таклифларини қўллаб-қувватлаб чиқди.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ СУРИЯГА КЕЛДИ

ДАМАШҚ, 13 декабрь. (ТАСС).) Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти делегацияси визит билан Сурияга келди. Ўзбекистон Компартияси Хоразм область комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети депутати Мадёр Худойберганов делегацияга бошчилик қилмоқда. Делегация составида таниқли жамоат ва сиёсий арбоблар, ёзувчилар, артистлар бор.

Меҳмонлар Сурияннинг бир қанча шаҳарларини бориб кўрадилар, корхоналарда ва янги қурилишларда бўладилар, Сурия халқининг ҳаёти билан танишадилар.

ШАХМАТ

АЛЛАМИ ЁКИ НОНА?

Мамлакатнинг бу йилги чемпиони москвалик журналист Алла Кушнир билан СССРнинг уч марта чемпиони, Европа мамлакатлари чемпионлари кубогининг эгаси тбилисилик 22 ёшли халқаро мастер Нона Александриянинг номи нўпчиликка таниш. Ҳозир бу икки машҳур мастер Кисловодскда ўзаро куч синашмоқда. «Жанг» ярмидан ўтиб, ниҳоясига етай деб қолди. Бироқ охирги натижа кўпинча тажрибалироқ Кушнир фойдасига ҳал бўлмоқда. Чамаси, келаси йили Нона Гаприндашвилининг рақиби учинчи марта яна Алла Кушнир бўладиганга ўхшайди.

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИАДАСИ

Республикамизда дастлабки шахмат олимпиадаси бошланганига бир йил бўлди. Олимпиаданинг шаҳар ва қишлоқларимизда ўтказилган оммавий мусобақаларида 200 мингга яқин ҳаваскор иштирок этди.

Марказий шахмат клубида олимпиаданинг якунловчи босқичи мусобақалари бошланди. Унда республика областлари, Қорақалпоғистон ҳамда Тошкент шаҳар командалари қатнашиб, жами 120 дан ортиқ кўзга кўринган шахматчи куч синашмоқда. Улар сафида таниқли спорт мастерлари, СССРнинг беш марта чемпиони Валентина Борисенко, республика чемпионлари, қобилиятли ёшлардан Д. Қаюмов, А. Тошхўжаев, бухоролик 14 ёшли Шарифа Бердиева ва бошқалар бор.

М. МУҲИДДИНОВ,
СССР спорт мастери.

Редактор ўринбосари
Ж. ЖАББОРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ
КАНИКУЛ КУНЛАРИДА
31 ДЕКАБРДАН 10 ЯНВАРГАЧА
МУЗ УСТИДА БАЛЕТ ТОМОШАЛАРИ

П. ЕРШОВ,

«КОНЁК ГОРБУНОК»,

(2 парда 10 кўринишли)

МУЗ УСТИДА РАҚС

НОВОСИБИРСК ЕШЛАР ХАЛҚ АНСАМБЛИ ИЖРО ЭТАДИ.

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Лев Николаевич БЕЗЗУБИК.

ТОМОШАЛАР: кундуз соат 11, 3 ва кеч 6 да бошланади.

МАКТАБ ВА БОЛАЛАР МУАССАСАЛАРИДАН КЕЛГАН ЗАЯВКАЛАР ҲАР КУНИ ЭРТАЛАБ СОАТ 10 ДАН КЕЧ 7 ГАЧА СПОРТ ЗАЛИДА РЕГИСТРАЦИЯ ҚИЛИНАДИ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

14 декабрь — СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 МОСКВА. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — «Бойчечак». 18.30 — Автоинспектор бюллетени. 18.50 — Ахборот. 19.05 — Юксак аниқлик — ишлаб чиқариш талаби. Узбек тилида: 19.35 — Шеърият гулшанида. Гулчеҳра Нуриллаева. 20.30 — Ахборот. 20.50 — «Ўзбекистон чорвадори». 21.25 — Концерт. 22.00 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.35 — МОСКВА. 17.40 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.05 — Телефильм. 19.00 — Концерт. 20.00 — Альпинистлар. 20.30 — Мультфильм. 20.45 — Телеспектакль.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 19.40 — Оқ акация (бадиий фильм). 21.10 — Талабларга мувофиқ концерт. 21.50 — Дўстлик маршрутлари бўйлаб.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14, 15/XII да Танавор, 16/XII да Русалка.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/XII да Имон, 15/XII да Олтин девор, 16/XII да Ўғирланган умр.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/XII да Севишганлар ҳиёбони, 16/XII да Фарғона тонг отгунча, 17/XII да Ажаб савдолар.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Совет цирки усталарининг гастроллари.

КИНО

Дайди (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, САНЪАТ САРОЙИ, «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кеч соат 8 да).

Жиноят қидирув инспектори (тоқ соатларда), Офицерлар (жуфт соатларда): — «ДРУЖБА».

Анжелика ва қирол (2 серия) — «КУЙЧА» (кундуз ва кечқурун).

Россия империясининг салтанати ёки қўлга тушмас қасоскорлар — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Кабириянинг қора тунлари — ҲАМЗА номли (жуфт соатларда).

Асосий зарба — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ун икки стул (2 серия) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 8 да).

Казимир — «СПУТНИК» (кеч соат 7 ва 9 да).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИГА (Пролетар кўчаси, 17-уй, 2 ва 3 хона) қурувчи-инженерлар, ревизор-бухгалтерлар ва машинистка

КЕРАК

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитети ва «Ўқитувчи» нашриёти коллективи шу нашриётнинг профессионал-техника адабиёти редакция мудири, 1942 йилдан КПСС аъзоси, кекса матбаачи

Сафар Зияевич БАТАЛОВнинг

бевақт вафот этганлигини маълум қилади ва марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор этадилар.

БИТИМЛАР РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ УЧУН ТАЙЁРЛАБ ҚЎЙИЛДИ

БЕРЛИН, 11 декабрь. (ТАСС). Германия Федератив Республикаси ва Ғарбий Берлин ўртасида граждан шахслар ва юкларни транзит ташиш тўғрисида Германия Демократик Республикаси ҳукумати билан Германия Федератив Республикаси ҳукумати ўртасида тузилган битим ГДР пойтахти Берлинда ГДР Министрлар Совети биносида бугун ратификация қилиш учун тайёрлаб қўйилди. Бу битим Германия Демократик Республикаси ҳукумати делегацияси билан Германия Федератив Республикаси ҳукумати делегацияси ўртасида олиб борилган музокаралар чоғида ишлаб чиқилган эди.

Битимни Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг ваколатига биноан Министрлар Совети ҳузуридаги статс-секретарь М. Коль, Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг ваколатига биноан Федерал Канцлер маҳкамасининг статс-секретари Э. Бар ратификация олдидан тайёрлаб қўйилди.

Битим ратификация қилиш учун тайёрлаб қўйилганидан кейин М. Коль ва Э. Бар баёнот бердилар.



КУБА. Мамлакатда янгидан ташкил этилган болалар боғчалари ва ясли-лари минглаб оналарнинг ишлаб чиқаришда актив қатнашишига имкон берди. Ҳозир мамлакатда 400 дан ортиқ боғча-яслилар мавжуд бўлиб, уларда 45.000 дан зиёд бола тарбияланмоқда.

Пренса Латина-ТАСС фотоси.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26, Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз 54—61. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44.

А. — 288. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС — 64697. Р. 14653.